

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.Т.03.02 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ
ВА НАВОИЙ ДАВЛАТ КОНЧИЛИК ИНСТИТУТИ**

ЖУМАЕВ ОДИЛ АБДУЖАЛИЛОВИЧ

**АХБОРОТ ОҚИМЛАРИНИНГ НОАНИҚЛИГИ ШАРОИТИДА СУЮҚ ВА
ГАЗСИМОН МУҲИТЛАР САРФИНИНГ ПАРАМЕТРЛАРИНИ НАЗОРАТ
ҚИЛИШ ВА БОШҚАРИШ ТИЗИМЛАРИНИ
ИНТЕЛЛЕКТУАЛЛАШТИРИШ**

05.03.01–Асбоблар. Ўлчаш ва назорат усуллари (техника фанлари)

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2019

Докторлик диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата докторской диссертации

Content of the abstract of doctoral dissertation

Жумаев Одил Абдужалилович

Ахборот оқимларининг ноаниқлиги шароитида суюқ ва газсимон муҳитлар сарфининг параметрларини назорат қилиш ва бошқариш тизимларини интеллектуаллаштириш..... 3

Жумаев Одил Абдужалилович

Интеллектуализация систем контроля и управления параметров расхода жидких и газообразных сред в условиях неопределенности информационных потоков..... 29

Jumayev Odil Abduzhalilovich

Intellectualization of monitoring and control systems for flow and gas consumption conditions under information flows uncertainty..... 55

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 59

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ ХУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.Т.03.02 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ
ВА НАВОИЙ ДАВЛАТ КОНЧИЛИК ИНСТИТУТИ**

ЖУМАЕВ ОДИЛ АБДУЖАЛИЛОВИЧ

**АХБОРОТ ОҚИМЛАРИНИНГ НОАНИҚЛИГИ ШАРОИТИДА СУЮҚ ВА
ГАЗСИМОН МУҲИТЛАР САРФИНИНГ ПАРАМЕТРЛАРИНИ НАЗОРАТ
ҚИЛИШ ВА БОШҚАРИШ ТИЗИМЛАРИНИ
ИНТЕЛЛЕКТУАЛЛАШТИРИШ**

05.03.01–Асбоблар. Ўлчаш ва назорат усуллари (техника фанлари)

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2019

Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2019.3.DSc/Т304 рақам билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Тошкент давлат техника университети ва Навоий давлат кончилиқ институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (Ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.tdtu.uz) ва «Ziyouet» Ахборот таълим порталида (www.ziyouet.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи: Юсупбеков Нодирбек Рустамбекович
ЎзР ФА академиги, техника фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар: Исматуллаев Патхулла Раҳматович
техника фанлари доктори, профессор
Бахрамов Хошим Шоимович
техника фанлари доктори
Сиддиков Илхом Хакимович
техника фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот: Тошкент ахборот технологиялари хузуридаги
Ахборот-коммуникация технологиялари илмий-
инновацион марказ

Диссертация химояси Тошкент давлат техника университети хузуридаги DSc.27.06.2017.Т.03.02 рақамли Илмий кенгашнинг 2019 йил «13» та соат 10 дақиқасида бўлиб ўтди. (Манзил: 100095, Ташкент ш, Университет кўчаси, 2. тел: (99871) 246-46-00; факс: (99871) 227-10-32; e-mail: tstu_info@tdtu.uz).

Диссертация билан Тошкент давлат техника университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (129 рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100095, Ташкент ш, Университет кўчаси, 2. тел: (99871) 246-46-00; факс: (99871) 227-10-32; e-mail: tstu_info@tdtu.uz).

Диссертация автореферати 2019 йил «29» 11 кунни тарқатилди.
(2019 йил «13» 11 дақиқасида рақамли реестр баённомаси).



Ф.Т. Адиллов
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш раиси ўринбосари,
т.ф.д., профессор

У.Ф. Мамиров
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш илмий котиби,
техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

Х.З. Пгамбердиев
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси,
т.ф.д., профессор, академик

Кириш (фан доктори (DSc) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда замонавий технологиялар ва ресурстежамкорлик, шунингдек ишлаб чиқаришнинг экологик тозалигига бўлган талабнинг ортиши билан энергия ташувчилар таннархининг ўсиш шароитларида энг яхши метрологик тавсифларга эга бўлган, жумладан суюқ ва газсимон оқимларнинг сарфини ўлчашга мўлжалланган асбобларни кенг қўллашга бўлган эҳтиёж ортиб бормокда. Ўлчаш асбобларининг ушбу синфи технологик параметрларни назорат қилишда жуда кенг қўлланилмокда. Бундай шароитларда суюқ ва газсимон муҳитларнинг сарфини максимал даражада юкори аниқлик билан назорат қилиш масаласи муҳим вазифалардан бири ҳисобланмокда.

Жаҳонда бугунги кунда саноатнинг энергетика, металлургия, нефть ва газ, целлюлоза-қоғоз, озик-овқат ва бошқа саноат соҳаларида технологик режимларни бошқариш ва оптималлаштиришни сарф ўлчагичларсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Магистрал қувурлар бўйлаб узатиладиган ёқилги-энергетика ресурслари, сув ва бошқа моддалар миқдори ва сарфини ўлчаш халқ хўжалиги ва умуман иқтисодиётнинг ривожланиши учун муҳим иқтисодий аҳамиятга эга. Бу борада, суюқ ва газсимон муҳитлар сарф ўлчагичларининг метрологик хусусиятлари ва улардан фойдаланиш параметрлари самарадорлигини ошириш бугунги кундаги муҳим аҳамият касб этувчи илмий-техник муаммолар ҳисобланади.

Республикамизда мураккаб технологик мажмуаларни назорат қилиш ва бошқаришнинг интеллектуал ахборот-ўлчаш тизимларини жорий этишга йўналтирилган қатор илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишларига алоҳида эътибор қаратилмокда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Кон-металлургия соҳасидаги корхоналар фаолиятини янада такомиллаштириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарорида, жумладан «иктисодиётни жадал ривожлантириш ва либераллаштириш, ишлаб чиқаришни модернизациялаш ва кон-металлургия соҳасидаги йирик корхоналарни рақобатбардошлигини ошириш учун инвестициялар жалб этиш»¹ каби муҳим вазифалар белгилаб берилган. Мазкур вазифаларни амалга ошириш, жумладан, ўлчаш асбобларининг метрологик тавсифларини ошириш ва бошқариш тизимларини интеллектуаллаштириш муҳим масалалардан бири ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ–4947-сон «Ўзбекистон Республикасини 2017–2021 йилларда янада ривожлантиришнинг Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони ва 2018 йил 27 апрелдаги ПҚ–3682-сон «Инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳаларни амалий жорий қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 январдаги ПҚ 4124 - сон «Кон-металлургия соҳасидаги корхоналар фаолиятини янада такомиллаштириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори

ҳужжатларда белгиланган вазибаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг IV «Ахборотлаштириш ва ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш» ва X «Илмий технологиялар, асбоблар, жиҳозлар, эталон воситалари, ўлчаш ва назорат қилиш усулларини яратиш» устувор йўналишлари доирасида бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи². Жаҳон миқёсидаги илмий тадқиқотлар доирасида суюқ ва газсимон муҳитлар сарфининг технологик параметрларини назорат қилишнинг ўлчаш асбобларини ишлаб чиқишга йўналтирилган муҳим масалаларини ечиш: Massachusetts Institute of Technology, Emerson Electric Manufacturing, University of Missouri (АҚШ), «Siemens» ва University of Munster, Fraunhofer-Institut für Produktionstechnik und Automatisierung (Германия), Imperial College London (Буюк Британия), Osaka University ва Tokyo Institute of Technology (Япония), Korea Advanced Institute of Science and Technology (Жанубий Корея), Духов номидаги Автоматика бўйича Умумроссия илмий-тадқиқот Институти (Россия) ва ТошДТУ (Ўзбекистан) каби етакчи илмий ва олий таълим муассасаларида амалга оширилган.

Фан ва техниканинг замонавий ютуқларидан фойдаланиб технологик тизимларнинг параметрларини назорат қилиш учун, ўлчашнинг янги тамойилларига асосланган асбобларни яратишда «Honeywell», «Greyline instruments», «Omega engineering» (АҚШ), «Siemens», «Endress+Hauser» ва «Turck» (Германия), «Sensirion» (Швейцария), «Riels instruments» (Италия) каби бир қатор илмий-тадқиқот марказлари ва ишлаб чиқарувчи фирмалар етакчилик қилмоқдалар.

Бирламчи ўзгартиргичларни мукамаллаштириш бўйича «Dwyer instruments» ва «Hedland» (АҚШ), «Sensirion» (Швейцария), «Riels instruments» (Италия), «Yamanashi Co.» (Япония) фирмалари, ўлчаш диапазонини кенгайтириш ва датчикларнинг аниқлик даражасини 0,025% - 0,5% оралиқда таъминловчи сарф датчиклари «McCrometer» ва «Cdimeters» (АҚШ) ва «Endress+Hauser» (Германия) фирмалари томонидан ишлаб чиқарилмоқда. Суюқ ва газсимон муҳитлар сарф параметрларини ўлчаш асбобларини интеллектуаллаштирилган дастурлар билан таъминлаш бўйича ишлар олиб борилмоқда.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Газ-суюқлик оқимларини назорат қилиш ва бошқариш тизимларини ишлаб чиқиш, оптималлаштириш масалаларидан амалий фойдаланиш, синтезлаш усуллари соҳасидаги

² Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи: www.atlasrockbit.com, www.varelintl.com, www.dissercat.com, <http://vbm.ru>, <https://www.amazon.com>, <http://www.mirknigi.ru> ва бошқа талаблар асосида ишлаб чиқилган

тадқиқотларга тааллуқли сўнги йиллардаги илмий-техник адабиётлар таҳлили ушбу соҳада аҳамиятли назарий ва амалий натижаларга эришилганлигидан дарак беради. Бироқ, технологик тизимларнинг параметрларини назорат қилиш учун фан ва техниканинг замонавий ютуқларидан фойдаланиб, ўлчашнинг янги тамойилларига асосланган янги асбобларни яратишни талаб этувчи илмий-техник муаммо ҳали ҳам долзарблигича қолмоқда. Шу билан биргаликда, айни вақтда, илмий нашрларда ахборот оқимлари ноаниқ бўлган шароитларда суюқ ва газсимон муҳитлар сарф параметрларини автоматик назорат қилиш усуллари ва асбобларини тадқиқ қилиш ва ишлаб чиқиш масалалари етарли даражада кўриб чиқилмаган ва тўлиқ очилмаган.

Суюқ ва газсимон муҳитлар сарфини ўлчаш ва тадқиқ қилиш муаммоларини ечишга: E.R. Collins, O.Fiedler, U. Beis, P.J Huber, (АҚШ), Gert Vöhme, J.F.Richardson, Bernard Coleman (Германия), Г.Н.Бобровников, Г.С.Векслер, М.Ф.Зарипов, А.В.Ковалев, Б.М.Новожилов, В.Г.Сарафанов, С.В. Ряховский, М.А.Ураксеев, В.М.Шарапов ва бошқа хорижий олимлар, шунингдек А.А.Абдувалиев, Д.А.Абдуллаев, А.А.Азимов, Р.К.Азимов, Т.Ф.Бекмуратов, П.Р.Исмагуллаев, М.М.Муҳитдинов, Т.Д.Раджабов, В.А.Соловьев, Х.П.Ташпулатов, Ю.Г.Шипулин, Н.Р.Юсупбеков, О.Ш.Ҳақимов каби мамлакатимиз олимлари ўзларининг хиссаларини қўшишган.

Мамлакатимиз ва хорижий олимларнинг фикрига кўра, суюқ ва газсимон муҳитлар сарф параметрларини ўлчашнинг магнит-индукцион усули ўзининг сезгирлиги, тезкорлиги ва универсаллиги билан фарқланиб, энг аниқ усуллардан бири ва ўзининг асбобий амалга оширилиш имкониятларини тўла намоён этмаган. Сарф ўлчашнинг электр-магнитли асбобларини ишлаб чиқиш ва такомиллаштириш муаммолари Г.В.Белоусов, В.И. Дмитриев, Э.Г.Звенигородский, С.М.Лебедев, В.А.Карпов ва бошқаларнинг ишларида тадқиқ қилинган. Бироқ, кириш сигналларининг жуда кичик сатҳларида ишлаб оладиган электр-магнитли сарф ўлчагичлар учун электрон ўзгарткичлар ишлаб чиқиш муаммоси бундай ўзгарткичларнинг ишлашини ўзига хос жиҳатларини таҳлил қилиш ва уларнинг аниқлигини чегараловчи омилларни баҳолашни талаб этади.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасини илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент давлат техника университети ва Навоий давлат кончилик институти илмий тадқиқот ишлари режаларининг ИОД-4-1 – «Суюқлик сарф ўлчагич-ҳисоблагичлари учун микропроцессорли кўчма синов қурилмасини ишлаб чиқиш, синаш ва жорий этиш» (2012-2014 йй.), И-2017-2-11 – «Таркибида олтин бўлган рудаларни бойитиш бўйича лаборатория тадқиқотларининг оптоэлектрон интеллектуал тизимини ишлаб чиқиш ва жорий этиш» ҳамда И-2017-2-12 – «Ёйли пўлат эритиш печларининг энергетик режимларини ростилаш ва оптималлаштиришнинг автоматлаштирилган тизимларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш» (2015-2017 йй.) мавзусидаги лойиҳалар доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади суюқ ва газсимон муитлар сарфини назорат қилиш ва бошқаришнинг интеллектуаллашган ўлчаш тизимларини ишлаб чиқиш ва дастурий тизимини яратишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

суюқ ва газсимон мухитлар сарфини ўлчаш ва назорат қилишнинг мавжуд усуллари ва воситаларини конструктив хусусиятлари соҳасига бағишланган адабиётлар, патент ва фонд манбаларини таҳлил қилиш ва назарий умумлаштириш;

суюқ ва газсимон мухитлар сарфини ўлчаш-ўзгартириш жараёнларини ифодалашнинг илмий-услубий асосларини ишлаб чиқиш, моддалар сарфини назорат қилиш тизимларининг метрологик тавсифларини ошириш усуллари ва назарий қўйимларини аниқлаш;

назорат ва бошқариш технологияларини интеллектуаллаштириш элементлари ва усулларини шакллантириш, электр-магнитли ўлчаш ўзгарткичларидан фойдаланиб, газ-суюқлик оқимлари сарфини интеллектуал назорат қилиш тизимларининг фаолиятини математик моделларини ишлаб чиқиш;

суюқ ва газсимон моддалар сарфини назорат қилишнинг интеллектуал тизимларининг иш қобилияти ва метрологик ишончилигини тажрибавий текшириш, ишлаб чиқилган алгоритмларни дастурий амалга ошириш;

назорат қилиш ва бошқаришда қарор қабул қилиш аппаратининг моделини ва усулларини ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти газ-суюқлик оқимлари сарфини назорат қилиш ва бошқаришнинг электр-магнитли интеллектуал ахборот-ўлчаш тизимлари ҳисобланади.

Тадқиқотнинг предмети газ-суюқлик оқимлари сарфини назорат қилишнинг усуллари ва воситаларини ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Қўйилган вазифаларни бажариш учун ноаниқ мантикий хулосалаш усуллари, нейрон тармоқли технологиялар, графлар назарияси, дастурий таъминотларни ишлаб чиқиш технологиялари, математик моделлаштириш, метрология, математик статистика ва компьютерли моделлаштириш усуллари ва воситаларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

ахборот оқимлари ноаниқ бўлган шароитларда суюқ ва газсимон мухитлар сарфини назорат қилиш ва бошқариш тизимларини интеллектуаллаштиришнинг илмий-услубий асослари шакллантирилган;

ўлчаш канали ва умуман ахборот ўлчов тизимлари (АЎТ)нинг метрологик тавсифларини оширишнинг, берилган схемотехник ечимларда метрологик тавсифларнинг энг яхши кўрсаткичларини таъминлайдиган ва элемент базасининг номиналларини ўзгариши билан фаркландиган усули ишлаб чиқилган;

фойдаланувчи билан ўзаро ишлай оладиган, ахборот ресурсларини аниқлаш имконини берадиган рухсат бериш параметрларини аниқлаш усули ишлаб

чиқилган;

метрологик ресурснинг берилган қийматлари (метрологик ресурс қийматининг максимуми ва метрологик тўғрилиқни сақлаш эҳтимоллигининг максимуми) мезонлари бўйича АЎТ метрологик тавсифларини яхшилашнинг ва уларни лойиҳалаш босқичида тизимнинг элементлар базасини оптимал номиналлари кидиришдан иборат бўлган алгоритмлари тақлиф этилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

ахборот ўлчов тизимларни лойиҳалаш ва улардан фойдаланишда ўлчаш тизимларининг аниқлик параметрларини уларга мос схемотехник ечимлар билан мустаҳкамлаб ошириш имконини берадиган метрологик ишончлиқни ошириш ва турғунлиқни таъминлаш усули ишлаб чиқилган;

ахборот ўлчов тизимларининг метрологик ишончлиқини ошириш алгоритмларини амалга оширувчи дастурий таъминот ишлаб чиқилган;

ахборот ўлчов тизимлари метрологик тавсифларини оширишнинг алгоритмлари ва дастурий воситалари ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлиқиги. Тадқиқот натижаларининг ишончлиқини ечими амалий аҳамиятга эга бўлган, яқиний натижаларгача олиб борилган масалаларнинг аниқ математик қўйилиши билан асосланади. Ишончлиқ даражаси бошланғич ва олинган амалий тажрибавий маълумотлардан фойдаланиб, математик моделлаштириш ва тизимли таҳлилнинг илмий концепцияларини тўғри қўлланилиши, назарий тадқиқотларнинг тажриба тадқиқотларини зарурий ҳажми билан оқилона уйғунлашуви билан таъминланган. Суюқ ва газсимон муҳитларнинг электрмагнитли сарф ўлчагичлари метрологик тавсифларини мониторинглаш тизимини ишлаб чиқилганлиги, шунингдек илмий қондалар, хулосалар ва тавсияларнинг ишончлиқиги корхонадан олинган маълумотлар билан асосланади, ҳамда sanoat-tажриба синовларининг баённомалари ва ишлаб чиқаришга жорий этиш далолатномалари билан тасдиқланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Тадқиқотнинг илмий аҳамияти метрологик тавсифларнинг кўрсаткичларини оптимал қийматларини таъминловчи мос схемотехник ечимлар билан мустаҳкамланган элементли база номиналлари ўзгариши билан ифодаланадиган, алоҳида ўлчаш канали ва умуман АЎТнинг метрологик тавсифлари ишончлиқини оширишнинг ишлаб чиқилган математик ва рақамли моделлари ҳамда назарий хулосалар билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти мос схематехник ечимлар ва функционал вазифаларни ўзгармаслиқини сақлаган ҳолда ишлаб чиқилаётган ўлчаш тизимини лойиҳалаш ва тадқиқ қилишда метрологик ишончлиқни ошириш ва турғунлиқни таъминлаш билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ахборот оқимларининг ноаниқлиги шароитида суюқ ва газсимон муҳитлар сарфининг параметрларини назорат қилиш ва бошқариш тизимларини интеллектуаллаштириш бўйича олинган натижалар асосида:

суюклик сатхининг оптик-толали ўзгарткичига Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлигининг ихтирога патенти олинган (IAP 04937-2014й.). Илмий тадқиқот натижалари суюклик сатҳини ўлчаш ва назорат қилишда оптик-толали ўлчаш канали орқали ахборотларни автоматлаштирилган қайта ишлаш тизимини яратиш имкониятини берган;

суюкликлар сарфини назорат қилиш учун алгоритм ва дастурий-аппаратли мажмуа «Бирлашган энергетика хизмати» корхонасида жорий этилган («Навоий кон металлургия комбинати» ДКнинг 2019 йил 1 ноябрдаги 01-01-09/13930-сон маълумотномаси). Натижада назорат қилиш ва ҳисобга олиш асбобларининг метрологик тавсифларини ошириш услубияти, шунингдек суюкликнинг интеллектуал электр-магнитли сарф ўлчагичи сувни ҳисобга олиш ва назорат қилиш аниқлиги ва ишончилигини ошириш, сув сарфини пасайтириш имконини берган;

суюқ ва газсимон муҳитлар сарфини назорат қилиш ва бошқаришнинг интеллектуаллаштирилган тизими «Бирлашган энергетика хизмати» корхонасида жорий этилган («Навоий кон металлургия комбинати» ДКнинг 2019 йил 1 ноябрдаги 01-01-09/13930-сон маълумотномаси). Натижада ўлчаш ўзгартиришини юқори дифференциал сезгирлиги, статик тавсифларининг чизиклиги, тезкорлиги юқорилигини таъминловчи сифатли янги тизимни синтезлаш имконини берган.

назорат қилиш ва ҳисобга олиш асбобларининг метрологик тавсифларини ошириш услубияти, шунингдек суюклик ва бугнинг интеллектуал электр-магнитли сарф ўлчагичи «Навоий ИЭС» АЖда жорий этилган («Навоий кон металлургия комбинати» ДКнинг 2019 йил 1 ноябрдаги 01-01-09/13930-сон маълумотномаси). Натижада буг-газ қурилмасининг турбо агрегатига тўғридан-тўғри бериладиган бугни ҳисобга олиш ва назорат қилиш аниқлиги ва ишончилигини ошириш ва ишлаб чиқарилаётган электр энергияси таннархини пасайтириш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 13 та илмий-амалий анжуманларда, жумладан 9 та халқаро ва 4 та республика илмий-техник анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича 30 та илмий иш, жумладан, 1 та монография, ЎзР ОАК эътироф этган илмий журналларда 8 та мақола, шундан 4 таси хорижий журналларда, 1 та ихтиро учун патент ва ЭХМ учун дастурларни расмийлаштириш бўйича 4 та гувоҳнома олинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация титул varaги, мундарижа, кириш, тўртта бобдан иборат асосий қисм, хулоса, 132 номдаги фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан тузилган. 185 саҳифали матн 5 та жадвал 52 та расмдан иборат.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, объект ва предмети тавсифланган, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «Суюқлик ва газсимон мухитларнинг мавжуд сарф ўлчагичларининг конструктив ва схематехник ечимларига оид адабиётлар, патентлар ва фонд материалларини таҳлил қилиш ва назарий умумлаштириш» номли биринчи бобида замонавий ишлаб чиқаришда суюқ ва газсимон мухитларни технологик ва тижорий ҳисобга олиш учун кўп сондаги сарф ўлчагичлар ишлатилиши ақс эттирилган. Моддалар сарфини назорат қилишнинг мажуд усулларини таҳлил қилиш асосида суюқ ва газсимон мухитлар сарф ўлчагичларининг таснифи тўртта: сарфнинг ўлчанаётган параметрлари; физик табиати; ишлаш тамойили ва ўлчаш асбобининг конструктив хусусиятлари билан аниқланадиган самараси каби таснифлаш белгиларига кўра берилган.

Газ-суюқлик оқимларининг технологик тавсифларини ўзига хосликлари таҳлил қилинган ва уларнинг қўлланилиш соҳаларига мисоллар келтирилган. Аналитик шарҳ амалга оширилган ҳамда суюқ ва газсимон мухитларнинг сарфини ўлчаш усуллари ва воситаларини таснифи таклиф этилган. Тадқиқотнинг асосий натижалари турли ўлчаш асбоблари ва тизимларининг имкониятларини ақс эттирувчи жадвалларда келтирилган. Тахометрик (тезлик), тебранувчи, ҳажмий, кориолисли, ультратовушли, иссиқлик, электр-магнитли ва бошқа сарф ўлчагичларнинг ишлаш тамойилларини қисқача тавсифлари келтирилган. Турли ўлчаш усулларига хос бўлган асосий боғлиқликлар таҳлил қилинган. Газ-суюқлик оқимлари сарфини ўлчаш учун контактсиз усуллари қўллашнинг истиқболлари ва уларнинг ўзаро аралаш қўллаш имкониятлари баҳоланган.


Ўлчашнинг электр-магнитли усулини таҳлил қилиш асосида сарф ўлчагични структуравий қуриш тамойили шакллантирилган ва унинг энг истиқболли структуралари келтирилган. Газ-суюқлик оқимларининг сарф ўлчагичларини структуравий таклиф этишни тажрибавий-назарий тадқиқ қилишнинг мақсад ва вазифалари шакллантирилган.

Тадқиқотнинг «Суюқ ва газсимон мухитлар сарфи параметрларини назорат тизимларининг интеллектуаллаштиришни илмий-услубий асослари» номли иккинчи боби суюқ ва газсимон мухитлар сарф параметрларини назорат қилиш тизимларини интеллектуаллаштиришнинг илмий-услубий асосларини ишлаб чиқиш масалаларига бағишланган.

Технологик жараёнларни автоматлаштирилган бошқариш тизимлари даги ўлчаш каналларини структуравий-параметрик таҳлил қилиш ва синтезлаш масалаларини ечишда дастурий-аппаратли ўлчаш каналларида ўлчаш ахборотларига рақамли ишлов беришнинг услубий хатолигини ҳисоблаш усуллари таҳлили ўтказилган, ўлчаш каналлари ва уларнинг компонентларини математик моделларини танлаш амалга оширилган, ўлчаш каналлари (ЎК) нинг чиқиш сигналларини хоссалари ва тавсифлари тадқиқ қилинган ва интеллектуал ўлчаш тизимларидаги ўлчаш каналларининг услубий хатолигини шакллантириш жараёнларини ифодалаш усуллари таклиф этилган.

Суюқ ва газсимон муҳитларнинг интеллектуал сарф ўлчагичининг таклиф этилаётган функционал схемасига мувофиқ, алоҳида ўлчаш компонентлари ва умуман тизимнинг математик моделлари ишлаб чиқилган.


Аналог-рақамли ўзгартириш амалининг қабул қилинган математик моделини ҳисобга олган ҳолда ўлчаш каналининг функционал схемасига мос келувчи дастурий-аппаратли умумлашган структуравий схемаси 2-расмда келтирилган, бунда $X(t)$ – каналнинг кириш сигнали, $Y(t)$ – каналнинг чиқиш



1-расм. Интеллектуал электр-магнитли сарф ўлчагич функционал схемаси

сигнали, $\omega_a(t)$ – каналнинг аналогли ташкил этувчисини эквивалент вазн функцияси, $\omega(t)$ – каналнинг рақамли ташкил этувчиси (рақамли ишлов беришнинг дастлабки кучайтиргичи)ни эквивалент вазн функцияси, $\omega_d(t)$ – ишлов беришнинг ҳисоблаш блоки (оралиқ натижалар блоки) ни вазн функцияси, $E_q^*(n)$ – аналог-рақамли ўзгарткичда сатҳ бўйича квантлаш хатолиги.

Каналнинг киришига $X(t)$ тасодифий стационар жараён таъсир қилганда $Y(t)$ чиқиш сигналининг статистик тавсифлари (математик кутилма ва корреляцион функция) аниқланади.



2-расм. Ўлчаш каналнинг дастурий-аппаратли воситалари структураси

Аналогли элементларни $X(t)$ кириш сигналларига реакцияси тавсифи $Y_a(t)$:

$$Y_a(t) = \int_0^{\infty} \omega_a(t) X(t - \mu) d\mu, \quad (1)$$

бу ерда каналнинг аналогли ташкил этувчисини эквивалент вазн тавсифи ва аналог рақамли ўзгартгич (АРЎ) чиқишидаги ўзгартирилган сигнал куйидагича бўлади:

$$Y_c^*(n) = X_c(nT_s) + E_c^*(n); \quad (2)$$

бу ерда $X_c(t)$ – АРЎ киришидаги сигнал, $E_c^*(n)$ – сатҳ бўйича квантлаш хатолиги.

Тизимнинг рақамли қисми чиқишидаги сигнал куйидагича аниқланади:

$$Y_d^*(n) = \sum_{l=0}^{\infty} \omega_d^*(l) X_d^*(n - l). \quad (3)$$

ЎК чиқишидаги ўзгартирилган сигнал $Y_r(t)$ куйидагига тенг:

$$Y_r(t) = \sum_{n=-\infty}^{E[t/T_s]} X_r^*(n) \omega_r(t - nT_s),$$

бу ерда $Y_r^*(n)$ – сигналга ишлов бериш қурилмаси киришидаги ўзгартирилган дискрет параметр; $\omega_r(t)$ – сигналга ишлов бериш қурилмасини вазн тавсифи; $E[\cdot]$ – соннинг бутун қисми. Ўзгарувчиларни куйидагича алмаштириб, ифода (3) ни (3.а) шаклга ўзгартириш мумкин:

$t - nT_s = kT_s + \xi$, где $k = E[t/T_s] - n$, а $\xi = t/T_s - E[t/T_s]$;

$$Y_r(t) = \sum_{k=0}^{\infty} \omega_r[(k + \xi)T_s] X_r^*(E[t/T_s] - k). \quad (3.a)$$

(3.а) ифодадаги ўзгарувчи t ни $t = (m + \xi) T_s$ каби қабул қиламиз, бунда $m = E[t/T_s]$, а $\xi = t/T_s - E[t/T_s]$.

$Y_r[(m + \xi)T_s]$ ни $Y_r[m, \xi]$ орқали белгилаб, куйидаги ҳисоблаш натижасини ҳосил қиламиз:

$$Y_r[m, \xi] = \sum_{k=0}^{\infty} \omega_r[k, \xi] X_r^*(m - k). \quad (3.б)$$

(3.б) ифодадаги ξ ўзгарувчи 0 дан 1 гача ($0 \leq \xi < 1$) гача бўлган ораликдаги ихтиёрий сон қийматини қабул қилиши мумкин.

ЎК нинг дастурий-аппаратли воситаларини ростланадиган параметри $Y(t)$ учун $Y(t) = Y_r(t)$, $X_r^*(n) = Y_d^*(n)$ ифодаларни ҳосил қиламиз. (2) ифодани (3.б) ифодага қўямиз ва куйидагини ҳосил қиламиз:

$$\{Y[m, \xi] = \sum_{k=0}^{\infty} \omega_r[k, \xi] \sum_{l=0}^{\infty} \omega_d^*(l) X_d^*(m - k - l).$$

$k+l=n$ қўринишидаги ўзгарувчиларни киритиб, сўнгги ифодани куйидагича ёзишимиз мумкин:

$$Y[m, \xi] = \sum_{n=0}^{\infty} X_d^*(m-n) \sum_{k=0}^{\infty} \omega_r[m, \xi] \omega_d^*(n-k).$$

Шундай қилиб,

$$Y[m, \xi] = \sum_{n=0}^{\infty} \omega_w[n, \xi] X_d^*(m-n), \quad (4)$$

бу ерда

$$\omega_w[n, \xi] = \sum_{k=0}^{\infty} \omega_r[k, \xi] \omega_d^*(n-k) \quad (5)$$

ЎК ва оралик ҳисоблашларнинг рақамли қисмини вазн тавсифи.

$X_d^*(n) = Y_c^*$ эканлигини инобатга олган ҳолда ифода (1) ни ифода (4) га қўямиз:

$$Y[m, \xi] = \sum_{n=0}^{\infty} \omega_w[n, \xi] (X_c[(m-n)T_s] + E_q^*(m-n)). \quad (6)$$

Ўз навбатида, $X_c[nT_s] = Y_d[nT_s]$. Ифода (2) ни ифода (4) га қўйиб, ЎК нинг дастурий-аппаратли воситаларини чиқиш параметри учун якуний ифодани ҳосил қиламиз:

$$Y[m, \xi] = \sum_{n=0}^{\infty} \omega_w[n, \xi] \times \left(E_q^*(m-n) + \int_0^{\infty} \omega_a(\mu) X[(m-n)T_s - \mu] d\mu \right).$$

Тасодифий функция $X(t)$ нинг математик кутилмаси:

$$m_z(t) = M\{X[m, \xi]\} = \sum_{n=0}^{\infty} \omega_w[n, \xi] \times \left(M\{E_q^*(m-n) + \int_0^{\infty} \omega_a(\mu) g[(m-n)T_s - \mu] d\mu \right),$$

бу ерда $m = E\{t/T_s\}$, а $\xi = t/T_s - E\{t/T_s\}$.

Сатҳ бўйича квантлаш хатолигининг математик кутилмаси 0 га тенглигини ҳисобга олган ҳолда қуйидаги ифодани ёзамиз:

$$m_x(t) = \sum_{n=0}^{\infty} \omega_w[n, \xi] \int_0^{\infty} \omega_a(\mu) m_g[(m-n)T_s - \mu] d\mu, \quad (7)$$

бу ерда $m_g(t)$ – ўлчаш трактининг дастурий-аппаратли воситаларини кириш таъсири $g(t)$ ни математик кутилмаси бўлиб, ўлчаш ахборотларининг қабул қилинган математик моделларига мувофиқ, умумий ҳолда вақтга боғлиқдир.

Чиқиш параметри $X(t)$ нинг корреляцион функцияси учун қуйидагига тенг бўлган ифодани ҳосил қиламиз:

$$K_x(t, t + \tau) = M\{X^\circ(t)X^\circ(t + \tau)\} = M\{X^\circ[k, \xi]X^\circ[k + m, \Psi]\};$$

бу ерда $X^\circ(t)$ – корректланган тасодифий сигнал:

$$k = E\left[\frac{t}{T_s}\right], \xi = \frac{t}{T_s} - k, m = E\left[\frac{t + \tau}{T_s}\right] - k, \Psi = \frac{t + \tau}{T_s} - m - k.$$

$X(t) = X^\circ(t) - m_x(t)$ каби аниқланадиган корректланган тасодифий сигнал $X^\circ(t)$ учун ифодани (6) ва (7) га қўра ёзамиз:

$$Y[m, \xi] = \sum_{n=0}^{\infty} \omega_w[n, \xi] * (E_c^*(m-n) + \int_0^{\infty} \omega_a(\mu) g[(m-n)T_s - \mu] d\mu) - \sum_{l=0}^{\infty} \omega_w[n, \xi] * \int_0^{\infty} \omega_a(\vartheta) m_g[(m-n)T_s - \vartheta] d\vartheta =$$

$$\begin{aligned}
&= \sum_{n=0}^{\infty} \omega_w[n, \xi] * (E_c^*(m-n) + \int_0^{\infty} \omega_a(\mu) \{G[(m-n)T_s - \mu] - \\
&\quad - m_g[(m-n)T_s - \mu]\} d\mu) = \\
&= \sum_{n=0}^{\infty} \omega_w[n, \xi] \times (E_c^*(m-n) + \int_0^{\infty} \omega_a(\mu) G[(m-n)T_s - \mu] d\mu);
\end{aligned}$$

бу ерда $g^{\circ}(t)$ – корректланган тасодифий кириш таъсири бўлиб, стационар сигнал ҳисобланади.

Олинган ифодани ўлчаш каналининг чиқиш сигнаolini корреляция функциясини формуласига қўйиб, қуйидаги ифодани ҳосил қиламиз:

$$\begin{aligned}
K_x(t, t + \tau) &= M \left\{ \sum_{n=0}^{\infty} \omega_w[n, \xi] \times (E_c^*(k-n) + \int_0^{\infty} \omega_a(\mu) G[(k-n)T_s - \mu] d\mu) \times \right. \\
&\quad \times \sum_{l=0}^{\infty} \omega_w[l, \Psi] \times (E_c^*(k+m-l) + \int_0^{\infty} \omega_a(v) G[(k+m-l)T_s - v] dv) \left. \right\} = \\
&= \sum_{n=0}^{\infty} \omega_w[n, \xi] \sum_{l=0}^{\infty} \omega_w[l, \Psi] \times \left(\int_0^{\infty} \omega_a(v) M \{ E_c^*(k-n) g[(k+m-l)T_s - v] \} dv + \right. \\
&\quad + M \{ E_c^*(k-n) E_c^*(k+m-l) \} + \int_0^{\infty} \omega_a(\mu) M \{ E_c^*(k+m-l) g[(k-n)T_s - \mu] \} d\mu + \\
&\quad \left. + \int_0^{\infty} \int_0^{\infty} \omega_a(\mu) \omega_a(v) M \{ g[(k-n)T_s - \mu] g[(k+m-l)T_s - v] \} dv d\mu \right).
\end{aligned}$$

Интегралловчи АРЎ нинг частота ёки вақт интервалини оралиқ ўзгартириш (иккилик интеграллаш усули бўйича) амалга оширилиши мумкин. Иккала ҳолатда ҳам оралиқ катталиқ сигналнинг t_3 , t_6 вақт моментларидаги интегрални қийматлари бўлади. Иккала кутблар учун интегралларнинг қийматлари қўшилади ва бунда натижа t_6 ни моментга олиб келиш мумкин. Шу сабабли ҳам индуктор токининг кутбланганлигига боғлиқ бўлмаган турли кутбланганликлар учун шовкиннинг интегралланган қийматлари бир-биридан айирилиши лозим.

Шундай қилиб, t_6 вақт momentiдаги $U_{\text{шквр}}(t)$ шов иннинг натижавий қиймати:

$$U_{\text{шчн}}(t) = \frac{k_0}{\tau} \left[\int_{t_2}^{t_3} U_{\text{шквр}}(t) dt - \int_{t_5}^{t_6} U_{\text{шквр}}(t) dt \right]; \quad (8)$$

бу ерда $U_{\text{шквр}}(t)$ – электрмагнитли ўзгартгич (ЭМЎ) нинг киришига берилган шовқиннинг оний кучланиши; τ – интеграллаш вақт доимийси; k_0 – ЭМЎ киришидан интегратор киришигача бўлган ўзгартириш трактининг кучайтириш коэффициенти.

(8) ифодада вақтни ҳисоблаш даврнинг бошидан олиб борилади. Ихтиёрий n -даврга мос келувчи шаклда, агар ушбу ҳолда t_6 момент n -даврнинг охири бўлган nT га мос келиши ҳисобга олинса, қуйидагини ёзиш мумкин:

$$U_{\text{шчн}}(nT) = \frac{k_0}{\tau} \left[\int_{nT - \frac{T}{2}}^{nT - \frac{T}{2} + t_n} U_{\text{шквр}}(t) dt - \int_{nT - t_n}^{nT} U_{\text{шквр}}(t) dt \right], \quad (9)$$

бу ерда T – индуктор манбаа токининг даври; t_n – интеграллаш вақти, бунда $t_n =$

$(t_3 - t_2) = (t_6 - t_5)$. (9) ифода узлуксиз функциянинг nT моментдаги куйидаги шаклидаги танланмага мос келади:

$$U_{\text{ш.чн}}(t) = \frac{k_0}{\tau} \left[\int_{t-\frac{T}{2}}^{t-\frac{T}{2}+t_n} U_{\text{ш.кнр}}(t) dt - \int_{t-t_n}^t U_{\text{ш.кнр}}(t) dt \right]. \quad (10)$$

(9) ва (10) ифодалар хар бир даврнинг тугаш моментларида ўзгартириш тракти орқали ўтувчи шовкин кучланишининг бир хил қийматларини беради. Операцион ҳисоблаш қоидаларига кўра (10) ифоданинг Лаплас тасвирини топиб, шунингдек аниқ интегрални бўлаклаш теоремасидан фойдаланиб, шовкин учун ўзгартириш трактининг частотавий тавсифини олиш мумкин:

$$G(j\omega) = k_0/\tau \frac{1}{j\omega} \left[e^{-j\omega\frac{T}{2}} - e^{-j\omega(\frac{T}{2}+t_n)} - 1 + e^{-j\omega t_n} \right] = \frac{k_0}{\tau \frac{1}{j\omega} (1-e^{-j\omega t_n}) (1-e^{-j\omega\frac{T}{2}})}. \quad (11)$$

(11) ифодани эътиборга олган ҳолда частотавий тавсифнинг модули $|G(j\omega)|$ куйидагича аниқланади:

$$|G(j\omega)| = \frac{2k_0}{\omega\tau} \sqrt{(1 - \cos\omega t_n) \left(1 - \cos\omega\frac{T}{2}\right)}. \quad (12)$$

Аниқ вақтлар t_n ва T га боғлиқ бўлмаган частотавий тавсифларни олиш учун частотанинг келтирилган қиймати Ω ни киритамиз:

$$\Omega = \omega t_n. \quad (13)$$

Бунда $\omega = \frac{T}{2} = m\Omega$, бу ерда $m = \frac{T}{2t_n}$ – интеграллаш вақти ва индуктор манбаси даврлари нисбатига боғлиқ бўлган коэффициент.

$\frac{2k_0 t_n}{\tau}$ га тенг бўлган статик узатиш коэффициентига келтирилган частотавий тавсиф модулининг ифодаси куйидаги кўринишни қабул қилади:

$$|G(\Omega)| = \sqrt{(1 - \cos\Omega)(1 - \cos m\Omega)}/\Omega. \quad (14)$$

Шовкиннинг нолинчи частотали ташкил этувчиси фойдали сигналнинг доимий ташкил этувчисидан фарқли равишда ўзгартириш тракти орқали ўтмайди. Бу ҳолат нолинчи частотада зичлиги чексиз ошиб кетувчи фликкер-шовкинни ўтишини анча камайтиради ва бу ω частота 10^6 С^{-1} гача пасайганида тажрибавий тасдиқланган. Шу билан биргаликда, фликкер-шовкин ўтиши нуқтаи-назаридан ноҳуш бўлган нарса, бу паст частоталар соҳасида ($\Omega = \frac{\pi}{2}$) частотавий тавсифнинг максимуми мавжудлиги ҳисобланади.

Дисперсия $D_{\text{чн}}$ (ўзгартириш тракти чиқишидаги шовкин кучланишини ҳақиқий қийматини ўртача квадрати) куйидаги ифода орқали аниқланади:

$$D_{\text{чн}} = \int_0^{\infty} |G(j\omega)|^2 S(\omega) d\omega. \quad (15)$$

Дисперсиянинг (15) ифодасидан олинган квадрат илдиз ўзида шовкин кучланишининг ҳақиқий қийматини ўртача квадратини намоён этади. Ушбу катталикни фойдали сигналнинг статик узатиш коэффициентига бўлиб, ЭМЎ киришига келтирилган шовкин кучланишини ҳосил қиламиз ва у ўзида кириш сигналинини ўлчашнинг ўртача квадратик мутлақ хатолигини акс эттиради. Шовкин кучланишининг ташкил этувчилари (кириш кучайтиргичининг оқ шовқини ва фликкер-шовқини, бирламчи ўзгартгичнинг шовқини, кириш кучайтигичининг

ток ва кучланиш бўйича шовқинлари) турли вазнларга эга эканлиги ва турли воситалар орқали пасайтирилиши мумкинлигини эътиборга олиб, уларнинг ҳар бири учун тенгламаларни алоҳида топиш мақсадга мувофиқдир.

Зичлиги S_b бўлган оқ шовқин учун дисперсияни (11), (12) частотавий тавсифлар ва (13) ифодани эътиборга олган ҳолда ёзамиз:

$$D_6 = 4k_0^2 t_n S_6 / \tau^2 \int_0^\infty \frac{(1 - \cos \Omega)(1 - \cos m \Omega)(d\Omega)}{\Omega^2}. \quad (16)$$

Зичлиги $S_\phi \omega_0 / \omega$ бўлган фликкер-шовқин учун дисперсия:

$$D_\phi = 4k_0^2 t_n^2 S_\phi \omega_0 / \tau^2 \int_0^\infty (1 - \cos \Omega)(1 - \cos m \Omega)(d\Omega) / \Omega^3. \quad (17)$$

(16) ифоданинг аналитик ҳисобланган ўнг қисми $\pi/2$ га тенг, яъни m га боғлиқ эмас. (17) ифоданинг ўнг қисмидаги интеграл ўзида m соннинг $F(m)$ функциясини намоён этади ва уни аналитик ечиб бўлмайди.

Оқ шовқинни пасайтириш учун интеграллаш вақти t_n ни ошириш лозим, бироқ, бу тезкорлик талабига тесқари, чунки t_n ни ортиши билан индукторни таъминот даври T ҳам ортади. Демак, оқ шовқиннинг кучланиш катталиги m га боғлиқ эмас, шу сабабли ўзгартириш трактини вақт t_n индуктор таъминот даврини ярмидан катта қисмини эгаллайдиган қилиб лойиҳалаш мақсадга мувофиқ. Бу жиҳатдан, оралиқ ўзгартиришли частотага аналог-рақамли ўзгартириш аҳамиятлидир, чунки иккилик интеграллаш усули билан ўзгартиришда даврнинг ярмини эталон сигнални интеграллаш интервали эгаллайди ва ўзгармас T да t_n нинг катталиги камаяди. Токли шовқинларни пасайтириш учун (айниқса катта R_s ларда) кириш токи кичик бўлган кучайтиргичларни танлашга тўғри келади.

Хулосада, олинган натижалар аналог-рақамли ўзгартириш усули ва параметрларини ҳамда операцияни кучайтиргич турини оптимал танлаш йўли билан аниқлик ва энергия истеъмоли ўртасидаги қарама-қаршиликларни бартараф этишга имкон беришини кўрсатиб ўтиш мумкин.

Диссертациянинг “Суюқ ва газсимон оқимлар сарфини назорат қилиш ва бошқаришнинг интеллектли тизимининг ишлашини ноаниқ-тўпламли моделларини ишлаб чиқиш” номли учинчи бобида суюқ ва газсимон оқимларнинг сарфини назорат қилиш ва бошқаришнинг интеллектуал тизимлари фаолиятини ноаниқ-тўпламли моделларини ишлаб чиқиш масалалари кўриб чиқилган.

Интеллектуал датчикларнинг пайдо бўлиши, ахборот оқимларига рақамли ишлов бериш ва компьютерли ҳисоблаш ҳамда имитацион моделлаштириш тизимларидан фойдаланиш ўлчаш тизимлари аниқлигини баҳолашнинг мавжуд усуллари етарли эмаслигини келтириб чиқарди.

Бошқариш объекти ва бошқариш тизими ўртасидаги ўзаро интеллектуал муносабатларни ривожлантиришнинг функционал асоси пропорционал-интеграл-дифференциал (ПИД) ростлаш қонунлари билан ҳисобланади. ПИД-ростлагичлар юз йилдан бери мавжуд бўлса ҳам дастурий бошқариладиган микропроцессорлар пайдо бўлиши билан уларни рақамли тизимларда муал

ошириш имконияти пайдо бўлди.

Ахборот оқимлари ноаниқлиги шароитларида бошқариш ва қарор қабул қилишнинг интеллектуал тизимларининг структураларини акс эттириш учун автоматик бошқариш тизимларини классик тамойиллари учун янги жиҳатдан ва ўзгартиришнинг замонавий шаклларида фойдаланиш тавсия этилади. Ҳисоблаш тизимлари учун қабул қилинган бошқариш структураларини таҳлил қилиб, умумлашган интеллектуал тизимлар учун ўхшаш бўлган структураларни тасаввур қилиш мумкин. Уларнинг бошқариш объекти билан ўзаро таъсирланиши ва ундан зарурий ахборотларни олиши тадқиқот мақсадини шакллантиради ва натижаларини таҳлил қилиш имконини беради.

Кенгайтирилган функционал ноаниқлик u_a қуйидаги формула билан ҳисобланади:

$$u_a = k \cdot u_s,$$

бу ерда k – қамраб олиш мутаносиблигининг сонли коэффиценти.

Ўлчаш жараёнини дастурий бошқариш, ўлчаш ахборотларига статистик ишлов бериш ва паст частотали қўзғатиш майдонини қўллаш бирламчи ўзгарткичнинг сигнали сатҳини 5-10 марта камайтириш имконини беради ва бунда электрмагнитли сарф ўлчагичлари (ЭМСЎ) саноат частоталарини ташки электр ва электрмагнитли майдондан ва юқори даражадаги шовқиндан химояланишини таъминлайди. Бу ўз навбатида, ўлчаш диапазонининг катта соҳасида (10% дан 100% гача), ЭМСЎ нинг асосий хатолиги муҳит сарфининг жорий қийматини доимий улуши, яъни нисбий хатолиги каби меъёрлаштириш имконини беради. Фақатгина ўлчаш соҳасининг бошланиш диапазонида (0% дан 10% гача), бирламчи ўзгарткичнинг сигналини жуда кичик қийматларида, бундай синалларга ишлов беришнинг мураккаблиги, биринчи навбатда, ЭМСЎ нинг кириш - аналогли қисми элементлар асосининг имкониятларини чеклаганлиги сабабли, асосий хатолик сарфни ўлчашнинг юқори чегарасига келтирилган қийматни тавсифловчи доимий катталиқ, яъни келтирилган хатолик каби меъёрлаштирилади.

Асосий хатоликни сарфнинг жорий қийматини ўлчашнинг кенг диапазонида меъёрлаштириш ЭМСЎ нинг истеъмол тавсифларини кенгайтиради ва уни суюқликларни ҳажмий ҳисоблагичлари таркибида қўлланилишига имкон беради. Асбобнинг энг яхши метрологик хоссаларини таъминлаш мақсадида бирламчи ўзгарткичнинг тури ва ўлчамларини ўлчашнинг берилган диапазонига мос равишда танлаш лозим. Бирламчи ўзгарткичнинг тури ва ўлчамлари қуйидаги шартли ўтиш диаметрлари қаторига мувофиқ келади: 10, 15, 25, 50, 80, 100, 150, 200 ва 300 мм.

Сигнал сатҳининг пасайиши, ўз навбатида, ЭМСЎнинг энергия ва материал сизимини анча камайтишини таъминлайди. Микропроцессорли ЭМСЎ нинг саноат тармогидан олувчи истеъмол қуввати бирламчи ўзгарткичда магнит майдонини қўзғатишга сарфланаётган энергиянинг камайтиши ҳисобига 30–50 В·А дан ошмайди.

Магнит майдони энергиясини камайтиши бирламчи ўзгарткич магнит тизими

Ўлчамларини ва металл сиғимини анча камайтириш ва унинг конструкциясидан магнит ўтказгични чиқариб ташлаш имконини беради. Магнит ўтказгич ўрнига бирламчи ўзгарткичнинг магнитли материалдан тайёрланган корпусидан фойдаланилади. Шундай қилиб, бирламчи ўзгарткичнинг габарит ўлчамларини қисқартиришга эришилади, бу эса ўз навбатида, ўлчами 100 мм гача бўлган ўтказиш қувурларининг фланецлари орасига фланецсиз конструктивли бирламчи ўзгарткичларни ўрнатиш имконини беради. Бирламчи ўзгарткичлар конструкциясидан фланецни чиқариб ташланиши массани янада камайтиришга ва метални тежашга олиб келади.

ЭМСЎ лар учун оптимал ўлчамдаги индукторларни қўллаб, бирламчи ўзгарткичлар конструкциясини соддалаштириш, қатор ҳолларда, ЭМСЎ тавсифларини ҳисобий аниқлашни берилган хатолик билан амалга ошириш имконини беради. Шунинг ҳисобига қатор ўлчамдаги (50 мм дан юқори) асбобларни $\pm(1,0\div 1,5)\%$ асосий хатолик билан, ҳар бирини шахсий даражалашларсиз, ишлаб чиқиш мумкин ва бу асбобларни тайёрлашдаги меҳнат ва улардан фойдаланишдаги харажатларни камайтиради.

Бундай ЭМСЎ лар кенг диапазондаги ишчи босим ва ҳароратларда ишлатилиши мумкин, уларнинг параметрлари уйғунлашган вариантлари бирламчи ўзгарткич қувури ички сиртининг материалга боғлиқ бўлади.

ЭМСЎ таркибидаги микропроцессорли воситалар (МПВ) нинг такомиллашганлиги унинг функционал имкониятларини анча кенгайтиради, ЭМСЎ асосида суюқликлар ҳажмининг замонавий ҳисоблагичлари, массавий сарф ўлчагичлари ва модда миқдори ҳисоблагичлари, иссиқлик ўлчагичлари ва иссиқлик ҳисоблагичларини, яъни ишлаши маълум математик амалларни бажариш билан боғлиқ бўлган ўлчаш асбобларни қуриш имконини беради.

Суюқлик ва газсимон муҳитларнинг электрмагнитли сарф ўлчагичларини тадқиқ қилишда уларнинг интеллектуал ўлчаш тизимлари ўлчаш жараёнида олинадиган маълумотларга дастурий интеллектуал ишлов бериш билан таъминланди ҳамда бу дастур ишлов бериш ва қарорларни шакллантиришда билимлар ва маълумотлар базасига асосланади, шунинг учун ҳам уларнинг асосий хатолиги билимлар базасида ишлатилаётган билимлар, усуллар ва алгоритмларнинг сифати билан белгиланади. Тизимни баҳолашнинг аниқловчи кўрсаткичлари ишлашдаги хатоликнинг услубий ташкил этувчилари бўлиб, улардан асосийлари моделнинг номонандлиги билан изоҳланувчи оғиш – $\Delta_{на}$, бошлангич маълумотлар ҳажмига мос танланманинг чекли ҳажми билан изоҳланувчи хатолик – $\Delta_{ко}$, ўзгартиришларни бажаришда баъзи ўлчаш параметрларини ноаниқлиги туфайли юзага келадиган хатолик – $\Delta_{ин}$ лар ҳисобланади.

Номонандлик хатолиги:

$$\Delta_{на}(\beta(\Delta v)) = \lim_{M \rightarrow \infty} \{ [\xi_0(\Delta v_j) \int_1^M] - [\xi_0(\Delta_A v_j) \int_1^M] \} ;$$

бу ерда $\beta(\Delta v)$ – хатоликнинг рухсат берилган ораликдаги максимал қиймати сифатидаги дисперсия шаклида аниқланадиган тавсифи; $\Delta v_j, \Delta_A v_j$ – реал таклиф

этилган моделлар бўйича аниқланадиган хатоликлар; f_0 – ўзгартириш оператори; M – танланмалар сонларининг ҳажми.

Танланманинг чекли ҳажми туфайли юзага келадиган хатолик қуйидаги ифода билан аниқланади:

$$\Delta_{\text{кв}}(\beta \Delta v) = [\xi_0(\Delta v_j) |_1^M] - \lim_{N \rightarrow \infty} \{[\xi_0(\Delta_A v_j) |_1^M]\}.$$

Ўзгартиришнинг ноидеаллиги билан изоҳланувчи хатолик:

$$\Delta_{\text{ни}}(\beta \Delta v) = \lim_{M \rightarrow \infty} \{[\xi_0((\Delta v_j)) |_1^M] - [\xi_0(\Delta_A v_j) |_1^M]\};$$

бу ерда ξ ва ξ_0 – реал ва идеал ўзгартиришларга мос келувчи операторлар.

Тасодифий катталик v нормал тақсимланишга эга ва у тенг тақсимланиш орқали силлиқланади деб фараз қилинади. Ўлчаш натижасининг ишончли интервалини баҳолаймиз. Тенг тақсимланиш ҳолатида дисперсия қуйидагича тенг:

$$D[v] = \frac{(v_{\text{max}} - v_{\text{min}})^2}{12}.$$

Нормал тақсимланиш учун:

$$D[v] = \frac{1}{M(M-1)} \sum_{j=1}^M (v - v_M)^2.$$

Эҳтимоллик $Q=0,99$ бўлганда тенг тақсимланиш учун ишончли интервал:

$$\Delta_q = \frac{Q(v_{\text{max}} - v_{\text{min}})}{2} = \frac{0,99}{2} + 0,495.$$

Нормал тақсимланиш учун ишончли интервал:

$$\Delta_H = t_{Q,M}(D[v_M])^{1/2};$$

бу ерда t – Стьюдент тақсимланишининг квантили бўлиб, Q ва M ларга боғлиқ.

Бирламчи ўзгарткич, кучайтиргич, паст ва юқори частотали филтрлардан иборат бўлган дастурий-аппаратли ўлчаш каналлари, шунингдек ҳар бир канал учун аналог-рақамли ўзгарткич киришидаги ахборот оқимлари ва ўлчаш натижалари монандлигини баҳолашда катта оғишларга йўл қўймаслик учун M сонини нисбатан кичик диапазонларда тутиб туриш тавсия этилади. Фараз қиламиз, Δ_n ни 0 га яқин деб ҳисоблаш учун M етарлича катта $M=M_0$ қилиб танланган бўлсин, унда моделларнинг номонандлик хатолиги қуйидагича бўлади:

$$\Delta_{\text{на}} = \Delta_H - \Delta_n = 0,495(v_{\text{max}} - v_{\text{min}}).$$

Бирок, бу хатолик систематик эканлигини ҳисобга олган ҳолда, унга бўлган тузатмани аниқлаш мумкин. Масалан, $Q=0,99$ ва $M=5$ бўлганда $t=4,60$; $M=10$ бўлганда $t=3,25$; $M=20$ бўлганда $t=2,86$.

Шундай қилиб, ўзгартириш схемасининг чиқиш сигнали сатҳи паст бўлганда сарф ўлчагичнинг аниқлигини чегараловчи омиллардан бири ўзида бирламчи ўзгарткичнинг хусусий шовқинларини ҳисобга олишни намоён этади ва бу иссиқлик шовқинига тааллуқли ҳамда бирламчи ўзгарткичда сигнал манбаи сифатида эквивалент ички қаршилик R_s (электродлар орасидаги суяқлик массасининг қаршилиги) нинг мавжудлиги билан изоҳланади. Ушбу шовқин эквивалент актив қаршилиги бўлган ихтиёрый занжирда юзага келади ва унинг

микдори фақатгина қаршилиқ микдорига боғлиқ ва шовкин манбаининг физик табиатига эса боғлиқ эмас. Иссиқлик шовқинининг спектраль зичлиги частоталарга боғлиқ эмас. Операцион кучайтиргичнинг шовқини униинг киришига келтирилган, мос равишда спектраль қувват зичликларига эга кучланиш ва ток шовқинлари $s_U(\omega)$ ва $s_I(\omega)$ билан тавсифланади. ЭМСЎ киришига келтирилган кучланиш бўйича шовқиннинг эквивалент йигиндисини спектраль зичлиги қуйидагича ифодаланади:

$$s(\omega) = s_U(\omega) + s_I(\omega)R_a^2 + 4kTR_3;$$

бу ерда k – Больцман доимийси; T – мутлак ҳарорат; ω – бурчак частота.

Спектраль зичликнинг частотага боғлиқлигига кўра бирламчи ўзгарткичнинг шовқини оқ шовқин ҳисобланиб, кириш кучайтиргичининг шовқини иккита: оқ шовқин ва фликкер-шовқин каби ташкил этувчиларга эга бўлиб, бунда S_u ва S_I ларнинг частота ω га боғлиқлиги қуйидагича:

$$S_U = S_{U0} \left(1 + \frac{\omega_0}{\omega}\right); \quad S_I = S_{I0} \left(1 + \frac{\omega_0}{\omega}\right);$$


бу ерда S_{U0} ва S_{I0} – оқ шовқин катталигини тавсифлайди; ω_0 – фликкер-шовқин частотасидан паст частота.

Ўлчашнинг динамик дапазонига салбий таъсир этувчи барча юқорида келтирилган кўрсаткичларни ўлчаш маълумотларининг ноаниқлиги сифатида баҳолаш мумкин.

Диссертация ишининг “Суюқ ва газсимон мухитлар сарфини назорат қилиш ва бошқаришнинг интеллектуаллаштирилган тизимлари метрологик таъминотини тадқиқ этиш” деб номланган тўртинчи бобида суюқ ва газсимон мухитларнинг сарфини назорат қилиш ва бошқаришнинг интеллектуаллаштирилган тизимлари метрологик таъминотини тадқиқ қилиш натижалари келтирилган. Сўнги йилларда электрмагнитли сарф ўлчачиқларнинг аниқлигини оширишда маълум муваффақиятларга эришилган.

Ишда ЭМСЎ ни мухит оқимисиз қиёслашнинг иккита: ЭМСЎ бирламчи ўзгарткичини геометрик ўлчамларини ўлчаш ҳамда магнит оқимининг суюқлик оқимини берилган параметрлари учун бирламчи ўзгарткич сигналени имитацияловчи электр сигналга ўзгартириш каби асосий амалларидан иборат бўлган услубияти баён қилинган. Ўзгартириш коэффициентини ҳисоблаш бирламчи ўзгарткичнинг геометрик ўлчамларини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилади. Агар тузатма коэффициентларини ўртача қийматларини қўллашдан воз кечилса, ва қиёслаш жараёнида ЭМСЎ каналидаги магнит майдонининг ҳақиқатда тақсимланишини ҳисобга олган ҳолда коэффициентлар ҳисобланса, мухит оқимисиз қиёслашнинг хатолигини камайитириш мумкин.

Ҳозирги вақтда қўлланилаётган икки кутбли импульс таъминотли индуктордаги бир даврга тегишли вақт диаграммаси 3-расмда келтирилган. Бирламчи ўзгартиргичнинг (БЎ) чиқиш кучланиши магнит индукциясига пропорционал ўзгарувчи фойдали сигнал ва индукторнинг манба токи ҳамда трансформатор шовқинига тескари пропорционал ташкил этувчилардан иборат.



3 - расм. Индукторнинг таъминот токи ва сигнал ўзгартириш тракти кириш сигналининг вақт диаграммаси


